

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВ КОМИЛЖОН ЗАКИРДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИММУН ТАНҚИСЛИК ҲОЛАТИДАГИ**  
**ЗОТИЛЖАМНИНГ ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Кадилов Комилжон Закирджанович**

Болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг

патологик анатомияси..... 5

**Кадилов Комилжон Закирджанович**

Патологическая анатомия пневмонии у детей

на фоне иммунодефицита..... 21

**Kadirov Komiljon Zakirdjanovich**

Pathological anatomy of pneumonia in children

with immunodeficiency..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВ КОМИЛЖОН ЗАКИРДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ИММУН ТАНҚИСЛИК ҲОЛАТИДАГИ  
ЗОТИЛЖАМНИНГ ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1196 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исраилов Ражаббой**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунов Хасан Зияевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Машарипов Азамат Собирович**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Хожа Ахмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б.Саидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ўткир зотилжам касаллиги соғлиқни сақлаш тизимида асосий долзарб ижтимоий муаммолардан биридир. Ушбу касаллик йилига 155 миллион ҳолат қайт қилинса, улардан 1,8 миллиони ўлим билан қайт қилинади, умумий ўлим ҳолатининг 20% ташкил қилади. ЖССТ маълумотларига кўра «...болаларда зотилжам касаллигидан ўлим кўрсаткичи ривожланган давлатларда 3-4%ни, ривожланаётган давлатларда 10-20% ташкил қилиш билан бир қаторда, болалар зотилжам касаллигининг ривожланиш ва қўзғатувчиларининг тури болалар организмида мавжуд бирламчи ва иккиламчи иммун танқислик ҳолатининг мавжудлиги, зотилжамнинг нафақат патоген микроорганизмлар, балки шартли патоген ва замбуруғлар томонидан қўзғатилиши ҳамда вирусли зотилжамнинг оғир кечиши билан боғлиқлиги ҳисобига ривожланиши қайт қилинган....»<sup>1</sup>. Маълумки, болалар организмида иммун танқислиги ҳолати мавжуд бўлса, вирусли қўзғатувчи билан бошланиши мумкин ва тез оради бактериал инфекция қўшилиши билан давом этиши исботланган. Шу сабабли иммун танқислик ҳолати асоратлари натижасида ривожланадиган зотилжам касаллигининг хавфни олдини олишда патологоанатомик ташхислаш энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик белгилар орқали ташхислашни ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада бир ёшгача даврда зотилжамдан нобуд бўлганларнинг морфологик маълумотларини таҳлил қилиш ва иммун танқислиги мавжудлигини, аутопсия материалида иммун тизим аъзолари, тимуснинг зарарланиш хусусиятлари ҳамда даражасини, иммун танқислиги негизида вирусли ва атипик вирусли зотилжамдан нобуд бўлганлар аутопсиясида нафас тизими аъзолари патоморфологияси, иммун танқислиги негизида вирусли бактериал зотилжамдан нобуд бўлганларда ўпканинг патоморфологик ўзгаришларини ташхислаш ҳамда иммун танқислигини башоратлаш тартибини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган болаларда иммун танқислик ҳолатини ташхислаш, унинг оқибатида ривожланадиган касалликларни даволаш натижасидаги асоратларини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини

---

<sup>1</sup> Кислюк Г.И., Хрипков М.И. Возрастные аспекты сепсиса у детей //В сборнике: «Международной научной конференции, посвященной 83-летию Курского государственного медицинского университета», 2018. - С. 434-437.

янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш....»<sup>2</sup> каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар орасида иммун танқислик ҳолати натижасида ривожланадиган зотилжамнинг эрта босқичда ташхислаш ва самарали даволаш тартибини қўллаш орқали касаллик самарали ташхислаш ва бартараф этиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охирги йилларда дунё бўйича вирусли инфекциялар турларининг мунтазам равишда ортиши билан биргаликда уларнинг янги штаммлари пайдо бўлмоқда. Атипик зотилжам асосан вируслар, замбруғлар, паразитлар томонидан қўзғатилади ва кўпинча организмда иммун танқислиги мавжудлигида ривожланади. Охирги пайтларда атипик зотилжам асосан вирус этиологияли бўлиб, респиратор синцитиал вирус, грипп вируслари, аденовирус, цитомегаловирус, оғир ўткир респиратор синдром қўзғатувчи SARS COVID-19 вируси томонидан қўзғатилиши тасдиқланмоқда (Chen XB, 2020). Атипик зотилжам кўпинча ёшларда нафас йўллариининг шомоллаш касаллиги кўринишида бошланади ва куруқ йўтал, мушакларда оғриқ, умумий ҳолсизлик, бурун оқиши, кучсиз харорат кўтарилиши, қон таҳлилида лейкоцитлар миқдорининг меёрлиги кузатилади. 2002 йил ноябр ойида Хитой давлатида SARS COVID-19 билан қўзғатилган ўткир ўпка етишмаслигига тезликда айланган атипик вирусли зотилжам аниқланган. 2 ой давомида бу касалликнинг 29та давлатга тарқалганлиги ва 8098та ҳолат аниқланганлиги, улардан 774 таси ўлим билан тугаганлиги кузатилган. нобуд бўлганлар орасида аксарияти 50 ёшдан ошганлар ташкил қилган (Chuan Qin, 2019). Бу касалликнинг яширин даври 2дан 10 кунчани ташкил қилган, 10-14 кун давомида кучли харорат берган ва клиник жиҳатдан 4 давр орқали ривожланган: I–гриппга ўхшаш инфекция 2-3 кун давом этган; II–иммун танқислиги даври 3-4 кун; III–атипик зотилжам даври дистресс синдром ва нафас етишмаслиги билан давом этган; IV–терминал даври шок ривожланиши билан давом этган. Эпидемия пайти летальность 9,6% ташкил

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қилган ва аксарият ҳолларда қандли диабет, гепатит ва юрак касалликлари бор пациентлар nobуд бўлган (Chen XB, Du SH, Lu J.C et al., 2020; Chuan Qin, Luoqi Zhou, Ziwei Hu, et al., 2019). Ушбу атипик зотилжам касаллигининг патологик анатомияси тўлиқ ўрганилмаганлигича қолмоқда.

Ўзбекистонда турли аъзо ва тизимларнинг функционал ҳолатининг турли касалликлар натижасида юзага келадиган патологик ўзгаришларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (М.С.Абдуллаходжаева, 2000; 2010, Р.И.Исроилов, 2018; Б.А.Магруппов, 2015; Х.З.Турсунов, 2016) Ўзбекистон шароитида ЎРВИ билан касалланган болаларда грипп вируси - 52%, аденовирус - 29,5%, респиратор-синцитиал вирус - 12,5%, парагрипп - 16% нисбатда исботланган (З.Х.Алланазарова, 2009); янги туғилган чақалоқларда, айниқса, иммун танқислиги мавжуд бўлганда организмга тез юқадиган вирусли бронхопневмониялар ва уларнинг асорати сифатида қўшиладиган бактериал ва замбуруғли зотилжамлар патоморфологияси тўлиқ ўрганилмаган (Ахматова Н.К., 2018; Турсунов Х.З., 2007), бироқ, болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик анатомиясининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Шунинг учун иммун танқислиги мавжуд болаларда ривожланган вирусли инфекцияларнинг морфогенези ва морфологик ўзгаришларини ўрганиш бугунги кунда тиббиётда муҳим ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба хайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2015–2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бир ёшгача болаларда иммун танқислиги фонида ривожланган вирусли, атипик вирусли ва вирусли-бактериал зотилжамлар патоморфологик ўзгаришларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бир ёшгача зотилжамдан nobуд бўлганлар орасида клиник-анамнестик маълумотларини таҳлил қилиш ва иммун танқислиги мавжудлигини баҳолаш;

nobуд бўлганлар орасида болалар аутопсия материалидан иммун тизими марказий аъзоси тимусни ўрганиб, иммун танқислик турлари ва даражасини баҳолаш;

иммун танқислиги негизида вирусли ва атипик вирусли зотилжамдан nobуд бўлганларда аутопсиясида нафас тизими аъзолари патоморфологиясини баҳолаш;

иммун танқислиги негизида вирусли-бактериал зотилжамдан nobуд бўлганларнинг ўпкасининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2021 йилларда Республика патологоанатомик марказнинг болалар бўлимида аутопсия текширувидан

ўтган, бир ёшгача даврда иммун танқислиги негиздаги зотилжамдан nobуд бўлган 82 нафар болалар ўпкаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммун танқислиги мавжуд бир ёшгача ҳар хил этиологияли зотилжамлардан nobуд бўлган болалар тимусидаги акцидентал трансформация, атрофия ва туғма гипоплазияси ва ўпкасининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда морфологик, гистологик ва гистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бир ёшгача даврда зотилжамдан вафот этган болаларда иммун танқислиги синдромида тимуснинг оғир даражадаги акцидентал трансформация, атрофия ва туғма гипоплазияси билан намоён бўлиши асосланган;

иммун танқислиги мавжуд бир ёшгача бўлган болаларда ўткир вирусли инфекция ва бактериал инфекциялар қўшилиши натижасида nobуд бўлган болаларнинг ўпкасидаги патоморфологик ўзгаришларни асосий кўрсаткич эканлиги исботланган;

болаларда иммун танқислиги негизда вирусли зотилжам асосан икки томонлама кўп ўчоқли, геморрагик бронхопневмония, грипп, геморрагик икки томонлама полисегментар зотилжам, парагрипп, серозли-дескватив-геморрагия, РС-вирус инфекцияли генерализацияланган зотилжам, аденовирусли инфекция, аралаш вирусли зотилжамлар кенг тарқалган геморрагик зотилжам билан намоён бўлиши исботланган;

иммун танқислиги бор болаларда вирусли зотилжам аксарият ҳолларда клиник морфологик жиҳатдан атипик кўринишда ривожланиши, дастлаб ўпкада кучли дисциркуляция ва қон қуйилишлар билан бошланиши, кейин ўпка эпителийси дистрофия ва деструкцияга учраши, кўчиб тушиши ва вирус таъсири қон томир ва оралиқ тўқимага тарқалиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

коронавирусли атипик зотилжам бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялардан фарқли, ўпкада қисқа вақт ичида тарқоқ, ўпка тўқимасининг барча структур бирликларининг зарарланиши ва касаллининг асорати ривожланиши баҳоланган;

касалликнинг охириги даврида ўпка тўқимасида патоморфологик жиҳатдан фибробластларнинг кўпайиши билан давом этадиган пролифератив яллиғланиш ва унинг оқибатида интерстициал фибропластик альвеолит ривожланиши клиник даволаш тартибининг асоси ҳисобланган;

вирусли-бактериал зотилжамда ўпкада дастлаб геморрагик экссудатив яллиғланиш ривожланиб, унга бактериал инфекция қўшилиб, ўпкага тарқоқ ҳолда йирингли-некротик, серозли-фибринозли экссудатив яллиғланиш қўшилади, иммун танқислиги бўлганлигидан шартли-патоген бактериялар ва замбруғлар томонидан кўпинча аралаш кўринишидаги яллиғланишлар билан давом этишни эътиборга олиш кераклиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан



тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик текширув усуллари асосида бир ёшгача даврда зотилжамдан нобуд бўлган болалар тимуси ва ўпкасида ривожланган патоморфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тимусда ва ўпкадаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ҳақида олинган маълумотлар иммун танқислиги фонида ривожланган зотилжамни клиник-морфологик баҳолашда ва бу касалликларни патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги, иммун танқислигига хос тимусдаги морфологик ўзгаришлар томирлар деворида дастлаб пўстлоқ қават кейин эса мағиз қават артериолалар, капиллярлар ва посткапилляр венулаларда, унга қўшимча ретикуляр стромаси ва лимфоцитларда ривожланадиган ўзгаришлар, охир оқибатда тимуснинг инвалюцияланиши ҳақидаги маълумотлар бир ёшгача бўлган болалар зотилжами клиник-морфологик баҳолашда ва бу касалликнинг неонатологлар ва педиатрлар томонидан патогенетик даволаш режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аутопсия материалидан фойдаланиб, бир ёшгача бўлган болалар иммун танқислиги таъсирида тимусда юз берадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар, ҳамда унинг фонида ривожланган вирусли, вирусли-бактериал зотилжам асосида яратилган алгоритмли дастур бу касалликларни ҳам ретроспектив, проспектив усулда баҳолашда қўл келиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик анатомиясининг ўзига хос хусусиятлари баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

зотилжамлар патоморфологияси бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Вирусли ва вирус-бактериал зотилжамлар патоморфологияси» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 8н-д/305-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик анатомиясининг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари баҳолаш, касалликнинг ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик анатомиясининг ўзига хос хусусиятларини морфологик ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика патологик анатомия марказининг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларнинг патологик анатомия бюроларига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги 08-09/10668-сон маълумотномаси). Натижада вирусли-бактериал

зотилжамда ўпкада дастлаб геморрагик экссудатив яллиғланиш ривожланиб, унга бактериал инфекция қўшилиб, ўпкага тарқоқ ҳолда йирингли-некротик, серозли-фибринозли экссудатив яллиғланиш қўшилади, иммун танқислиги бўлганлигидан шартли-патоген бактериялар ва замбруғлар томонидан кўпинча аралаш кўринишидаги яллиғланишлар билан давом этишини асосий морфологик белгиси асослаш тартибини жорий қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда зотилжам ва иммун танқислик ҳолатининг патоморфологик хусусиятларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Иммун танқислик ҳолатида болаларда зотилжамнинг ривожланишида ўпкадаги ўзгаришларнинг морфофункционал ҳолати, болалар организм ҳимоя тизимлари ва кўрсаткичлари изоҳланган. Мазкур муаммоларнинг ўз ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патоморфологик хусусиятларининг баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари баёнига бағишланган. Мақсадга эришиш учун 2015-2021 йиллар давомида РПАМ да иммун танқислиги тасдиқланган ва вирусли, вирусли-бактериал зотилжамдан нобуд бўлган 82-та болалар аутопсияси материалларидан фойдаланилди. Коронавирусдан нобуд бўлган болалар аутопсия материали Зангиота инфекцион касалликлар шифохонаси

патологик анатомия бўлимида бажарилган тадқиқотларда олинган. Иммуно-танқислик синдромини морфологик жиҳатдан тасдиқлаш учун нобуд бўлган болалар мурдасидан тимус бўлакчалари олиниб, текширилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Биз материалимизни болалар ёш даврларига бўлишда Н.П.Гундобиннинг (1891 й.) халқаро таснифидан фойдаландик. Бу тасниф бўйича қуйидагича даврларга бўлинади: янги туғилганлик, неонатал давр 0-28 кун; кўкрак ёшидаги давр 1-ойдан 12 ойгача. Бу давр ўз навбатида: 3 ойгача – энг тез ўсиш даври; 4-6 ой – фақат кўкракдан эмиш даври; 7-12 ой – гўдаклик даврига бўлинади. Шунинг учун тадқиқот материали 4та гуруҳга ажратилди: 7 кунликдан 28 кунгача -1 гуруҳ, 29 кундан 3 ойликгача – 2-гуруҳ, 4 дан 6 ойгача – 3-гуруҳ, 7 дан 12 ойгача – 4-гуруҳ. Жами 82 нафар нобуд бўлган чақалоқларнинг 34 (41,46%) нафарини қиз жинсли чақалоқлар, 48 (58,54%) нафарини эса ўғил жинсига мансуб чақалоқлар ташкил қилган. Улардан I-гуруҳни 8 (9,76%) нафар (қизлар – 3 (3,66%), ўғиллар – 5 (6,1%)), II-гуруҳни 24 (29,27%) нафар, III-гуруҳни 36 (44%) ва IV-гуруҳни 14 (17,06%) нафар нобуд бўлган чақалоқлар ташкил этди. Нобуд бўлган болалар мурдасини патологоанатомик текширув Г.В.Шор усулида ички аъзолар органокомплексини тўлиқ эвисцерация қилиб олинди. Нафас тизими аъзоларининг ташқи кўриниши А.В.Цинзерлинг усулида ўрганилди.

Вирусологик текширув учун ўпканинг зотилжамга учраган ўчоқлари чегарасидан бўлакча стерил идишга ажратиб олинди. ЎРВИ вируслар антигенини люминесцент микроскопида трахея, бронхлар ва ўпкадан олинган негатив суртмаларда аниқланди. Суртмаларни иммунофлуоресцентда бўйаш учун А ва В грипп вируси II, III-типдаги парагрипп, аденовирус ва РС-вирусларнинг флуоресцентловчи антителаларидан фойдаланилди. Ўпка бўлакларидан тайёрланган гистологик препаратлар гематоксилин-эозин билан, мукополисахаридларни аниқлаш ШИК реакциясида, бириктирувчи тўқима ривожланиб, коллаген толаларнинг кўпайишини Ван-Гизон усулида, ўпка тўқимасидаги эластик толалар морфологик ҳолатини резорцин-фуксина (фукселин) билан вейгерт усулида аниқланди, ушбу гистокимёвий текширувлар ҳар бир гуруҳдан маълум сондаги танлаб олинган ҳолатларда ўтказилди (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### Гуруҳлар бўйича гистокимёвий текширувлар тартиби ва сон кўрсаткичи

т/р	Бўёқлар тури	ГУРУҲЛАР								Жами:	
		I		II		III		IV			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Гематоксилин-Эозин	8	3,42	24	10,27	36	15,38	14	5,98	82	35,0
2	ШИК реакция	4	1,71	12	5,13	21	8,97	8	3,42	45	19,2
3	Ван-Гизон	6	2,56	16	6,84	28	11,97	9	3,84	59	25,3
4	Вейгерт	6	2,56	14	5,98	20	8,55	8	3,42	48	20,5
	Жами:	24	10,25	66	28,22	105	44,87	39	16,66	234	100

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Бир ёшгача бўлган болаларда иммун танқисликнинг клиник-морфологик таҳлили ва назорат гуруҳи сифатида иммун танқислиги йўқ болаларда вирусли ва бактериал зотилжамнинг патоморфологияси**» деб номланган учинчи бобида бир ёшгача бўлган болаларда иммун танқислик ва зотилжамнинг клиник-анамнестик хусусиятларини таҳлил қилишга уларнинг касаллик тарихи ва аутопсия баённомасида келтирилган маълумотлар асос қилинди ва ўрганилди.

Биринчи гуруҳда, яъни 7-28 кунлик чақалоқларнинг 2 (2,44%) нафарида цитомегаловирусли зотилжам аниқланди. Морфологик таҳлил натижасига кўра ўрганилган материалда ЦМВга хос морфологик белгилар, яъни эпителийнинг “бойўғли кўзи”га ўхшаш шикастланиши альвелоцитларда пайдо бўлганлиги гистологик жиҳатдан тасдиқланди. Бу гуруҳдаги 2 (2,44%) нафар чақалоқда вирусли шартли патоген бактериал, 4 (4,88%) нафарида эса бактериал зотилжам ривожланганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Бир ёшгача бўлган болаларда зотилжам турларининг учраш кўрсаткичи

т/р	Клиник ташхис	ГУРУҲЛАР								Жами:	
		I		II		III		IV			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Цитомегаловирусли зотилжам	2	2,44	-	-	-	-	-	-	2	2,44
2	Вирусли-бактериал зотилжам	2	2,44	7	8,54	9	10,98	4	4,88	22	26,83
3	Бактериал зотилжам	4	4,88	9	10,98	13	15,85	5	6,1	31	37,8
4	Ўткир респиратор вирусли инфекцияли зотилжам	-	-	5	6,1	12	14,63	5	6,1	22	26,83
5	Коронавирусли зотилжам	-	-	-	-	2	2,44	3	3,66	5	6,1
	Жами:	8	9,76	21	25,6	36	43,9	17	20,74	82	100

Иккинчи гуруҳдаги жами 21 нафар болаларнинг 5 (6,1%) нафарида ЎРВИ ривожланганлиги иммунофлуоресцент текширувида тасдиқланди ва уларнинг 3 нафарида грипп А ва В, 2 нафарида парагрипп сабабли зотилжам ривожланганлиги аниқланди. Бу гуруҳнинг 7 (8,54%) нафарида вирусли-бактериал зотилжам, 9 (10,98%) нафарида бактериал зотилжам ташхиси қўйилган. Учинчи гуруҳда 12 (14,63%) нафар болаларда ЎРВИли зотилжам аниқланган (улардан грипп – 3 нафар, парагрипп – 3 нафар, аденовирус – 4 нафар ва респиратор синцитиал вирус 2 нафар болаларда аниқланган). Бу гуруҳдаги болаларнинг 9 (10,98%) нафарида вирусли-бактериал ва 13 (15,85%) нафарида эса бактериал зотилжам ташхиси тасдиқланган.

Тўртинчи гуруҳдаги болаларнинг 5 (6,1%) нафарида ЎРВИ кузатилган бўлиб, улардан 2 нафарида грипп, 3 нафарида аденовирус тасдиқланган. Вирусли-бактериал зотилжам 4 (4,88%) нафар ушбу гуруҳдаги болаларда аниқланган. Бактериал зотилжам (5 нафар – 6,1%) ҳам клиник-морфологик жиҳатдан тасдиқланган. Касаллик тарихларининг таҳлилига кўра II–IV-гуруҳларда ЦМВ туфайли ривожланган зотилжам кузатилмади. Вирус-бактериал микс инфекцияли зотилжам 22 (26,83%) нафар болаларда учраганлиги аниқланди. 6,1% (5 нафар) ҳолларда коронавирусли зотилжам патоморфологик жиҳатдан ўрганилди.

Бир ёшгача бўлган болаларда зотилжамнинг вируслар турига кўра учраш даражаси ушбу вируслар антигенини люминесцент микроскопда трахея, бронхлар ва ўпкадан олинган негатив суртмаларни ўрганиш натижасида аниқланди. Суртмаларни иммунофлуоресцентда бўйаш учун А ва В грипп вируси (H1N1, H3N2), II, III-типдаги парагрипп, аденовирус ва респиратор синцитиал вирусларнинг флуоресцентловчи антитаналаридан фойдаланилди.

Иммун танқислигининг морфологик белгилари сифатида аксарият ҳолларда тимусда барвақт акцидентал трансформацияси аниқланди. Бизнинг материалimizда жами 12 ҳолатда 3-даражали, 46 тасида 4-5-даражали акцидентал трансформация ривожланганлиги аниқланди. Тимуснинг 4-5-даражадаги АТ айрим ҳолларда Гассал таначаларидан пайдо бўлган бўшлиқлар ва каверналар кескин катталашиб, аъзонинг мағиз қаватини тўлиқ эгаллайди. Бўшлиқлар девори склерозланган ва ретикулезланган строма хужайра тузилмаларидан ташкил топади. Бўшлиқлар ичида нобуд бўлган, парчаланган тўқима ва хужайра қолдиқлари, айримларида Гассал таначаларининг таркибий қисми бўлган шох, некроз ва кальцинозланган моддалар учрайди. Бу бўшлиқлар атрофини зич ҳолдаги қўпол толали бириктирувчи тўқима ўраб олган. Ядроси ҳужайранинг четки қисмига сурилиб, кариопикноз ва кариолизисга учрайди, бир сўз билан айтилганда бу ҳужайралар нобуд бўлади. Уларнинг ўрнига ретикулоцитлар ва фиброцитлар пролиферацияланиб кўпаяди, тимус бўлаклари тўқимасини қоплаб ретикулез ва склерозга олиб келади. Бу ўзгаришларга параллел ҳолда тимус бўлаклари орасидаги бириктирувчи тўқимали стромаси ҳам ўсиб кўпайиб, қалинлашади. Бунда, тимуснинг мағиз қаватида ҳам ўзига яраша атрофия, дистрофия ва деструкцияли ўзгаришлар ривожланиб, Гассал таначалар кистоз бўшлиқларга айланади, ретикулоэпителий ва ретикуляр хужайралари метаплазияланиб, ретикулоцитларга айланади. Баъзида бу турдаги атрофия жараёнида атроф тўқимадаги ёғ клетчаткасининг пролиферацияланиб, тимус бўлакларига ўсиб кириши билан ҳам давом этади.

Биз ишимизнинг материали сифатида ажратиб олинган бир ёшгача даврда зотилжам касаллигидан нобуд бўлган болалар аутопсия маълумотларини таҳлил қилинганда аниқландики, жами 4та ёш бўйича даврларда нобуд бўлган болаларнинг 26да (31,7%) ўткир респиратор вирусли инфекция, 22да (26,8%) вирусли-бактериал зотилжам ва 34да (41,5%) бактериал зотилжам аниқланган. ЎРВИ инфекциялардан асосан грипп, парагрипп ва РС инфекцияли зотилжам ривожланганлиги


кузатилган. Вирусли-бактериал зотилжамда этиологик жиҳатдан вируслар билан шартли патоген бактериялар кўшилиб келганлиги аниқланган. Иммуни танқислик ҳолатини аниқлашда асосий мезон сифатида иммуни тизимнинг марказий аъзоси, яъни тимусда ривожланган морфологик ўзгаришлар олинган. Жами 82 та ҳолатдан 8,5% тимуснинг туғма гипоплазияси, 14,6% да 3-даражали АТ, 56,1% - 4-5-даражали АТ ва 20,7% тимуснинг орттирилган атрофияси аниқланган. Морфологик жиҳатдан тимусда ривожланадиган 3-5-даражали акцидентал трансформацияда пўстлоқ қаватида лимфоцитлар батомом йўқолиб, ўрнини ретикулоэпителлий, ретикулоцит, фиброцит ва ёғ ҳужайралари босиб кетади. Қайтмас даражадаги атрофияга учраган тимус бўлаклари кескин атрофияланиб, коллапсланиб, кичиклашади, атрофидан кўпол толали бириктирувчи ва ёғ тўқимаси билан ўралади.

Диссертациянинг «**Иммуни танқислик мавжуд болаларда вирусли ва атипик зотилжамнинг патоморфологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида текшириш натижалари шуни кўрсатдики, иммуни танқислиги бор, вирусли зотилжамдан бир ёшгача бўлган даврда нобуд бўлган болаларда, касаллик асосан икки томонлама бронхопневмония кўринишида, ўчоқли аксарият ҳолларда II, IV, IX и X-сегментларининг шикастланиши билан намоён бўлди. Ўпка тўқимасидаги яллиғланиш ўчоқлари кўп сонли, ҳар хил катталиқдаги, асосан ўпканинг марказий қисмини эгаллаган, кучли қон айланишининг бузилиши билан давом этганлиги кузатилди. Бу болалар анамнезида касалхонага тушгангунча 3 кундан 10 кунгача касалланганлиги аниқланди. Касалхонага тушгандан кейин 29,4% болалар биринчи куннинг ўзида, 27,6% 3 кун давомида, 16,5% 4-куни ва 9,8% 5-куни нобуд бўлганлиги аниқланди.


Вирусли зотилжамга хос морфологик ўзгаришлар трахеяда, бронхларда ва ўпкада аниқланиши, вирусларнинг бу аъзоларга нисбатан тропизм хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Суртмаларни флуоресцентловчи микроскопда ўрганилганда шу ҳолат аниқландики, вирус билан шикастланган эпителий ўз тукларини йўқотиб, ноаниқ шаклга киради, бир-бири билан боғланиши йўқолади ва ўз жойидан кўчиб тушади, яъни десквамацияланади. Агар микроскоп объектида пайдо бўлган цилиндрик эпителий цитоплазмасида аниқ флуоресцентланиш пайдо бўлса натижани мусбат деб ҳисобланади. Ҳир хил респиратор вирусларнинг антигенлари турли эпителий ҳужайраларида ва уларнинг ёки ядроси, ёки цитоплазмасида аниқланади. Гриппда цилиндрик эпителийнинг ҳам ядро, ҳам цитоплазмасида (1- ва 2-расмга қаранг) нурланиш кузатилади. Парагриппда эса эпителий цитоплазмасининг перинуклеар соҳасида нурланиш жойлашганлиги аниқланди. РС-вирусида нурланиш симпластга айланган эпителий тўпламларида ёки кўп ядроли эпителий ҳужайралар цитоплазмаси перинуклеар соҳасида аниқланди.

РС-вирус билан кўзғатилган зотилжамда макроскопик жиҳатдан ўпкада қон томирлар тўлақонлиги, яллиғланиш ўчоқларнинг орқа ва пастки бўлакларда жойлашганлиги, зичлашиб, қора-қизил рангга кирганлиги кузатилди. Бу ўчоқлар кесиб кўрилганда кесим юзасидан қонли суюқлик оқиб тушганлиги кузатилди. Юқори нафас йўллари шиллиқ пардасида

морфологик ўзгаришлар кам ривожланган, фақат бўшлиғида кўпикли суюқлик борлиги аниқланади.



**1-расм. Тимус бўлакчалари ҳар хил, пўстлоғида лимфоцитлар тўплами, мағиз каватида кальциноз. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x10.**




**2-расм. Тимус паренхимасида ёғ тўқимаси ўсиб кўпайган. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x40.**

Асосий морфологик ўзгаришлар ўпканинг респиратор қисмида серозли-дескватив, гигант ҳужайрали ва интерстициал зотилжам ривожланганлиги кузатилади. Агар нобуд бўлган бола организмида кучли ривожланган иммун танқислиги мавжуд бўлса, РС-вирусли инфекция организмга кенг генерализацияланиб кенг тарқалганлиги ва бошқа ички аъзолар ҳам шикастланганлиги кузатилади. Бу аъзоларда ҳам гигант ҳужайрали симпластлар пайдо бўлиб, атрофида лимфоид инфилтрат тўпланганлиги кузатилади. РС-вирусли инфекцияда ўлим сабаби сифатида бронхопальмонал обструкция ҳисобига кўпинча нафас ва юрак-томир етишмаслиги аниқланади.


ЎРВИ зотилжамлар чала туғилган болаларда яна ҳам чуқурроқ патоморфологик ўзгаришлар билан намоён бўлади. Кўпинча альвеолалар деворига ёпишган ҳолдаги эозин билан бўялган гиалин оксигени ўхшаш мембраналар (3-расмга қаранг) пайдо бўлиши билан тавсифланади. Айрим альвеолалар бўшлиғини деярлик тўлиқ тўлдирганлиги кузатилади. Ўпка тўқимасида кучли шиш ва тўлақонлик асосида ателектаз ва дистелектаз ўчоқлари пайдо бўлганлиги топилади. Альвеолалар оралиғи тўқимаси лимфоид ва макрофагал ҳужайралар инфилтрати билан қопланган. Альвеолалар бўшлиғида пайдо бўлган гиалин мембраналар таркибини аниқлаш мақсадида ШИК реакция бўёғи билан бўялганда шу ҳолат аниқландики, гиалин мембраналар таркибида нафақат оксил, балки углевод таркибли гликопротеидлар ҳам борлиги кузатилди (4-расмга қаранг). Яъни ШИК реакцияси билан бўялган препаратларда альвеолалар бўшлиғидаги гиалин мембраналар таркибида ШИК мусбат бўялган моддалар борлиги



тасдиқланди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, гиалин мембраналар таркиби аралаш, яъни фибрин оксиллари, гликопротеидлар ва фосфолипидлардан иборатлиги аниқланди.



**3-расм. Чала туғилган 3 ойлик бола ўпкаси. Альвеола бўшлиғида гиалин мембрана. Бўк: Г-Э. X: 10x40**




**4-расм. Гиалин мембраналар таркибида ШИК мусбат моддалар яъни гликопротеидлар борлиги кўрсатилган. Бўк: ШИК реакция. X: 10x40**


Вирусли зотилжамдан нобуд бўлган болаларда иммун танқислиги тимуснинг 4-5 даражали акцидентал инволюцияси, атрофияси, морфофункционал майдонларининг атрофияланиши асосида тасдиқланди. Иммун танқислиги бор болаларда вирусли зотилжам асосан икки томонлама кўп ўчоқли, гемorraгик бронхопневмония кўринишида, аксарият ҳолларда II, IV, IX и X-сегментларининг шикастланиши билан намоён бўлади. Иммунтанқислик бўлса грипп кўпинча асоратланган гемorraгик икки томонлама полисегментар зотилжам, парагрипп серозли-дескваматив-гемorraгик зотилжам, РС-вирусли инфекция генерализацияланган зотилжам, аденовирусли инфекция серозли-шилимшиқли, аралаш вирусли зотилжам эса кенг тарқалган гемorraгик зотилжам билан намоён бўлади. Вирусли зотилжамларнинг морфологик диагностик белгиси сифатида: гриппда цитоплазмаси кенгайган гигант ҳужайра, парагриппда эпителийлари бири-бири билан ёпишган ёстикча, РС-вирусли инфекцияда кўп ядроги симпластлар, аденовирусли инфекцияда ядроси гипертрофияланган гигант ҳужайра аниқланади. Атипик зотилжамдан нобуд бўлганлар ўпка тўқимасини микроскоп остида ўрганилганда қуйидаги ўзига хос патоморфологик ўзгаришлар кузатилади. Микроскопнинг катта объектида ўрганилганда, ўпка тўқимасининг шиш, плазмorraгия ва яллиғланиш ҳисобига зичлашгани кузатилади. Атипик зотилжамнинг яна бир ҳолатида ўпка тўқимаси кучли деформацияга ва деструкцияга учраб, ҳар хил катталиқ ва шаклдаги йирик-йирик каверноз бўшлиқлар пайдо қилганлиги кузатилади. SARS-CoV-2 вируси



билан қўзғатилган атипик зотилжамда ўпка тўқимасида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг яна бир ўзига хослиги, бу ўпка тўқимаси таркибидаги бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролиферацияланиб кўпайиши ҳисобланади. Бунинг сабаби вируснинг S оксили таъсирида фаоллашган ACE2 фермент фибробластларни пролиферацияга учратади. Ушбу микрофотографияда кўринганидек ўпка тўқимасининг деярлик барча соҳаларида, яъни бронхлар, томирлар атрофи ва альвеолалар оралиқ тўқимасида фибробластлар кўпайиб, тутам-тутам тузилмаларни пайдо қилган (5-расмга қаранг). Бронхлар ва томирлар атрофида фақат фибробластлар тутами пайдо бўлган бўлса, альвеоллар оралиқ тўқимасида лимфоид хужайралар билан биргаликда пролифератив инфильтратлар айланган. Проллифератив ва склеротик жараёни аниқлаш учун ўпка тўқимаси Ван-Гизон усулида бўялди. Бунда маълум бўлдики, коронавирус таъсирида яллиғланган ўпка тўқимасида пикрофуксин билан мусбат бўялган коллаген толалар (6-расмга қаранг) деярлик барча соҳада, яъни яллиғланиш ўчоғида, бронхлар ва қон томирлар атрофида кўпайиб, фибробластлар пролиферацияланишини тасдиқланди.



**5-расм. Кароновирუსли атипик зотилжамда ўпка тўқимасида фибробластлар ва коллаген толаларнинг кўпайиши. Бўёк: ван-Гизон, X: 10x40.**




**6-расм. Вирусли атипик зотилжамда ўпка қон томирлари девори фибробластларининг пролиферацияси. Бўёк: Г-Э. X: 10x40.**


Алоҳида фибробластли инфильтратларни микроскопнинг катта объективида ўрганилганда, маълум бўлдики инфильтратнинг марказида ёш, гиперхром тузилишга эга бўлган фибробластлар ўрин эгаллаган. Инфильтратнинг чет қисмларида эса сийрак жойлашган, нисбатан етилган, шакли чўзинчоқ, орасида толали тузилмалар пайдо қилган фиброцитлар жойлашган. Четки қисмнинг айрим жойларида лимфоид хужайрали инфильтрация пайдо бўлаётганлиги кузатилади.

Периваскуляр соҳада пайдо бўлган фибробластли инфилтратнинг ўзига хослиги шундан иборатки, томир девори тўқима тузилмалари билан зич ҳолда аралашиб, бирикиб кетганлиги кузатилади. Бунда томир эндотелийсининг ҳам ядро, ҳам цитоплазмаси йириклашиб гиперхромазия ҳолатдалиги тасдиқланади. Коронавирус таъсирида ўпка тўқимасида ривожланган фибробластлар пролиферацияланиши аслида сурункали яллиғланишга хос бўлган морфологик ўзгариш бўлиб, унинг оқибатида бириктирувчи тўқима ўсиб кўпаяди. Қуйидаги микрофотографияда ўпканинг альвеоляр тўқимаси кўрсатилган, унда коронавирус таъсирида пролиферацияга учраган фибробластлар такомиллашиб, дифференциаллашиб, етилган, яъни яхши такомиллашган фиброцитларга айланганлиги, ўзидан толали тузилмалар ишлаб чиқарганлиги кузатилади. Бу ҳолат гистокимёвий усулда, яъни ван-Гизон усулида бўялганда коллаген толаларнинг кўплиги ва уларнинг пикрофуксин билан мусбат бўялганлиги кузатилади. Натижада ўпканинг альвеолалар оралиғи тўқимаси қалинлашиб, зичлашиб, фиброз тўқимага айланганлиги тасдиқланади. Бу жараёни фиброзланган интерстициал альвеолит касаллиги дейилади. Иммун танқислиги бор организмларда вирусли зотилжам аксарият ҳолларда клиник-морфологик жиҳатдан атипик кўринишда ривожланади. Вирусли атипик зотилжам дастлаб ўпкада кучли дисциркуляция ва қон қуйилишлар билан бошланади, кейин ўпка эпителийси дистрофия ва деструкцияга учраб, кўчиб тушади ва вирус таъсири қон томир ва оралиқ тўқимага тарқалади. Коронавирусли атипик зотилжам ўткир касаллик бўлган билан, касалликнинг охирги даврида ўпка тўқимасида патоморфологик жиҳатдан фибробластларнинг кўпайиши билан давом этадиган пролифератив яллиғланиш ва унинг оқибатида интерстициал фибропластик альвеолит ривожланиши кузатилади.

Диссертациянинг «**Болаларда вирусли-бактериал зотилжамнинг патологик анатомияси**» деб номланган бешинчи бобида вируслар бактериялар билан ассоциацияланган ҳолда қўзғатилган зотилжамнинг патоморфологик ўзгаришлари авваламбор қўзғатувчиларнинг турига, биринкетинлик билан юқиш пайтига, бактерияларнинг қўшилиш даврига, болалар преморбид ҳолатига ва касалликнинг давомийлигига боғлиқ. Вирусли-бактериал зотилжам бошланишининг илк даврларида нобуд бўлган болалар ўпкаси морфологик жиҳатдан ўрганилганда кўпинча ўпка тўқимаси, плевра пардалари ва бронхлар шиллиқ пардада кўп сонли майда ўчоқли қон қуйилишлар мавжудлиги аниқланди. Парагрипп аниқланган ҳолатларда вирусли зотилжам ўзига хос ўзгаришлар билан, яъни бронх ва бронхиолалар эпителийсининг бир-бири билан ёпишиб, ёстикчалар пайдо қилганлиги (7-расмга қаранг) ва ўрнидан кўчиб тушиб, бронхиолалар бўшлиғини тўлдирганлиги аниқланди. Ушбу ёстикча кўринишидаги кўчиб тушган эпителий тўплами ШИК реакция усулида тўқ бинафша рангли хужайралар кўринишида намоён бўлади (8-расмга қаранг).



**7-расм. Парагрипп+стафилакоккли зотилжам. Парагриппга хос бронх эпителийси ёстикчаси. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x40.**



**8-расм. Ёстикча кўринишида кўчиб тушган эпителий хужайраларининг ШИК мусбат бўялиши. Бўёқ: ШИК реакция. Х: 10x40.**

Респиратор-синцитиал вирус қўзғатган зотилжам морфологик жиҳатдан ўзига хос бўлиб, бронхлар ва альвеолалар эпителийсида кўп ядроли гигант хужайралар, яъни симпластлар пайдо бўлади. агар бу вирусли зотилжамга бактериялар қўшиладиган бўлса, бизнинг материалимизда кўпинча грамм мусбат бактериялардан: *staphylococcus aureus*, грамм манфийларидан *Klebsiella pneumoniae*, *Proteus mirabilis*, *E.Coli*, *Enterobacter* қўшилганлиги аниқланди. Ўпкани ташқи томонидан ўрганилганда аниқландики, ўпканинг шишга ва геморрагияга учраганлигига қўшимча кўп ўчоқли кулранг-қизил рангли, асосан орқа томонида жойлашган, зичлашиб-қатиклашган бактериал яллиғланишли ўчоқлар аниқланади. нафас йўллариининг пастки, яъни бронхлар ва респиратор қисми бўшлиқларида серозли ёки серозли-геморрагик, баъзида фибринозли экссудат борлиги топилади. Вирусли зотилжамларнинг айрим ҳолатларида иккиламчи қўзғатувчилар сифатида замбруғлар ҳам аниқланди, замбруғларнинг қўшилиши болалар организмида иммун танқислиги, гипотрофия ва анемия мавжудлигидан далолат беради. бунда, зотилжам кўпинча икки томонлама, майда ўчоқли, интерстициал тўқимаси шикастланган, айрим ҳолатларда яллиғланиш жараёни плевра бўшлиғига ҳам тарқаган ҳолатдалиги аниқланди. Микроскопик жиҳатдан ўрганилганда, ўпка тўқимасида артериал гиперемия, майда қон қуйилишлар, микроваскулит ва интерстициал альвеолит мавжудлиги топилади. Яллиғланиш ўчоқларида нейтрофилли лейкоцитар, плазмоцитар ва макрофагал инфильтрация борлиги тасдиқланади. оралик тўқиманинг диффуз яллиғланиши натижасида альвеолоцитлар кучли дистрофияга ва некробиозга учраганлиги, аксариятиниинг десквомацияланиб, кўчиб тушганлиги кузатилади.

Вирусли-бактериал зотилжамда ўпкада дастлаб геморрагик экссудатив яллиғланиш ривожланиб, унга бактериал зотилжамга хос ўзгаришлар, яъни йирингли-некротик, серозли-фибринозли экссудатив яллиғланиш қўшилиб,

иккала ўпкада ҳам тарқоқ ҳолдаги, бронхоальвеоляр тўқимани қамраб олган полиморф кўринишли яллиғланиш ривожланиши билан намоён бўлади.

Вирусли зотилжамга стрептококк ёки стафилакоккли шикастланиш кўшилса, геморрагик экссудатив яллиғланишга йирингли-некротик жараёнлар кўшилиб, яллиғланиш ўчоқлари кўпинча ўпканинг пастки ва орқа бўлақларини қамраб олади.

Шартли-патоген бактериялар ва замбруғлар кўшилиши болалар организмида иммун танқислиги ва бошқа кўшимча касалликлар мавжудлигини кўрсатади ва зотилжам кўпинча аралаш кўринишидаги яллиғланишлар билан давом этади

## ХУЛОСАЛАР

«Болаларда иммун танқислик ҳолатидаги зотилжамнинг патологик анатомияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бир ёшгача даврда зотилжамдан нобуд бўлган болалар организмида иммун танқислиги тимуснинг қуйидаги ўзгаришлари билан намоён бўлди: 14,6% да 3-даражали тимуснинг акцидентал трансформацияси, 56,1% да 4-5 даража акцидентал трансформация, 20,7% да тимуснинг атрофияси, 8,5% тимуснинг туғма гипоплазияси.

2. Иммун танқислиги бор болаларда вирусли зотилжам асосан икки томонлама кўп ўчоқли, геморрагик бронхопневмония кўринишида, аксарият ҳолларда II, IV, IX и X-сегментларининг шикастланиши билан намоён бўлади ва грипп кўпинча асоратланган геморрагик икки томонлама полисегментар зотилжам, парагрипп серозли-десквоматив-геморрагик зотилжам, РС-вирусли инфекция генерализацияланган зотилжам, аденовирусли инфекция серозли-шилимшиқли, аралаш вирусли зотилжам эса кенг тарқалган геморрагик зотилжам билан намоён бўлади.

3. иммун танқислиги негизида ривожланган вирусли зотилжам одатдагига нисбатан ўпкага кенг тарқалган, деструктив ўзгаришларга бой, ўткир респиратор дистресс-синдромли геморрагик яллиғланиш билан давом этиши билан намоён бўлди;

4. Коронавирусли атипик зотилжам бошқа ЎРВИ вирусларидан фарқ қилиб, ўпкада қисқа вақт ичида тарқоқ, ўпка тўқимасининг барча структур бирликларининг зарарланиши билан давом этадиган, касалликнинг охириги даврида ўпка тўқимасида патоморфологик жиҳатдан фибробластларнинг кўпайиши билан давом этадиган пролифератив яллиғланиш ва унинг оқибатида интерстициал фибропластик альвеолит ривожланиши кузатилади.

5. Вирусли-бактериал зотилжамда ўпкада дастлаб геморрагик экссудатив яллиғланиш ривожланиб, унга бактериал инфекция кўшилиб, ўпкага тарқоқ ҳолда йирингли-некротик, серозли-фибринозли экссудатив яллиғланиш кўшилади, иммун танқислиги бўлганлигидан шартли-патоген бактериялар ва замбруғлар томонидан кўпинча аралаш кўринишидаги яллиғланишлар билан давом этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАДИРОВ КОМИЛЖОН ЗАКИРДЖАНОВИЧ**

**ПАТОЛОГИЧЕСКАЯ АНАТОМИЯ ПНЕВМОНИИ У ДЕТЕЙ НА  
ФОНЕ ИММУНОДЕФИЦИТА**

**14.00.15 – Патологическая анатомия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**



**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1196.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский (английский (резюме)) на размещен на веб-странице Ученого совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Исраилов Ражаббой**

доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Турсунов Хасан Зияевич**

доктор медицинских наук, профессор

**Машарипов Азамат Собирович**

доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Международный Казахско-Турецкий Университет  
имени Ходжи Ахмада Яссави (Казахстан)**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Ташкентской медицинской академии DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул.Фароби, д.2. Зал заседаний Ташкентской медицинской академии, 4 этаж 1-го учебного корпуса. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, 2. Ташкентская Медицинская Академия, 2-й учебный корпус «Б» крыло, 1-й этаж, 7 кабинет. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Г.И. Шайхова**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

**А.Б. Саидов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Острая пневмония является одной из актуальных социальных проблем в системе здравоохранения в мире. Ежегодно во всем мире у 155 миллионов людей диагностируется пневмония, из которых 1,8 миллиона умирают от этой болезни, что составляет 20% всех смертей. В Узбекистане заболеваемость и смертность от острых респираторных инфекций, включая пневмонию, у детей до 1 года остается высокой. По данным ВОЗ, вместе с тем что уровень смертности от детской пневмонии составляет 3-4% в развитых странах и 10–20% в развивающихся странах, было признано, что развитие детской пневмонии и тип возбудителя зависят от наличия первичного и вторичного иммунодефицита, существующего в организме ребенка, а также было отмечено, что пневмонию вызывают не только патогенные микроорганизмы, но и условно патогенные микроорганизмы и грибки, а также их взаимосвязь с тяжелым течением пневмонии вирусного происхождения ...»<sup>1</sup>. Известно, что если в организме детей наблюдается состояние иммунодефицита, пневмония может начаться с вирусного возбудителя и быстро прогрессировать, с присоединением бактериальной инфекции. Поэтому патологоанатомическая диагностика является одним из важнейших вопросов предотвращения развития пневмонии в результате осложнений иммунодефицита.

По всему миру проводится ряд научных исследований для уточнения особенностей диагностики патологических признаков пневмонии у детей с иммунодефицитом. В связи с этим особое значение приобретают анализ морфологических данных о смертях от пневмонии у детей в возрасте до одного года и наличие состояния иммунодефицита, изучение патоморфологии органов дыхательной системы при вскрытии больных, умерших от вирусной и атипичной вирусной пневмонии на почве иммунодефицита, особое значение имеет диагностика патоморфологических изменений легких у умерших от вирусно-бактериальной пневмонии на почве иммунодефицита, а также совершенствование прогнозирования иммунодефицита.

В нашей стране большое внимание уделяется качеству системы здравоохранения, в том числе диагностике иммунодефицитов у детей, вызванных различными заболеваниями, профилактике осложнений, возникающих в результате лечения заболеваний, которые развиваются вследствие иммунодефицита. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, при повышении уровня медицинских услуг на новый этап «...поставлены задачи по повышению удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшему реформированию

---

<sup>1</sup> Кислюк Г.И., Хрипков М.И. Возрастные аспекты сепсиса у детей // В сборнике: «Международной научной конференции, посвященной 83-летию Курского государственного медицинского университета», 2018. - С. 434-437.

системы экстренной медицинской помощи, профилактике инвалидности ...»<sup>2</sup>. Поэтому одним из актуальных научных направлений является эффективная диагностика и устранение заболевания путем ранней диагностики и лечения заболевания, развивающегося в результате иммунодефицита у детей.

